

ЎЗАРО КЕЛИШУВ

8862034

Темир йўлда юк ташиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар хамда жарималар тўловини тўғри амалга ошириш тўғрисида

“06” 01 2022й

Когон шахар

“Узбекистон темир йўллари” АЖ номидан юк ташиш хужжатларини қайта ишлаш Бухоро технологик маркази бошлиғи Эргашев Н.М., кейинчалик матинда ТехПД деб аталади, “Узбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисининг 2021 йил 4 январдаги 29-ЮР ишончномаси асосида, иккинчи томондан “Навоийурен” ДК транспорт бўйича директори Х.Т. Пирназаров 2022 йил 5 январдаги 01-02-01/02/8 ишончномаси асосида, кейинчалик матинда мижоз деб атaluвчилар қўйидагилар тўғрисида келишдилар.

1. Келишув мазмуни.

- 1.1. Мазкур келишув томонлар уртасида юк ташиш билан боғлиқ бўлган темир йўлда юк ташиш хизмати, қўшимча хизмат, шу жумладан келишилган (договорной) тарифлар бўйича, хамда жарималар тўлови тартибини ўрнатади, лекин юк ташиш шартномаси деб хисобланмайди.
- 1.2. Ушбу келишув “railway.uz” сайтида рўйхатдан ўтиш йўли билан тузилади ва имзолаш учун электрон-ракамдан (ЕЦП) фойдаланилади.
- 1.3. Темир йўл транспортида юк ташиш шартномаси деб Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 711-моддаси, темир йўл Устави ва СМГС қоидалари билан белгиланган хужжат (транспорт юк хати, конасамент ёки юкка доир бошқа хужжат) ни тузиш ва уни юк жўнатувчига топшириш йўли билан тасдиқланади.

2. Хисоб-китоб тартиби

- 2.1. Узбекистон Республикаси “Темир йўл тўғрисида”ги Конуни, СМГС ва Узбекистон Республикаси темир йўл Уставидан келиб чиқадиган темир йўлда юк ташиш хизмати, қўшимча хизмат, шу жумладан келишилган (договорной) тарифлар бўйича тўловлар, хамда жарималар тўлови хисоб-китоби ва уни тўлаш учун мижозга тақдим этилиши Узбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 2.2. Тўлов хакларини хисоблаш, тўловга тақдим этиш, юклаш ва тушириш пайтидаги амалдаги коэффицентларни қўллаш билан, белгиланган қўшимча қиймат солиғи миқдорини инобатга олган холда темир йўл тарифи бўйича амалдаги №1 сонли Тариф йўрикномаси (прейскурант 10-01), «Узбекистон темир йўллари” Тариф Сиёсати асосида амалга оширилади.
- 2.3. Мижоз кўрсатиладиган темир йўл хизмати ва ташиш хақи тўловини олдиндан 100 % миқдорида амалга оширади. Агар кўрсатилган темир йўл хизматлари олдиндан тўланган пул миқдоридан бир мунча кўп бўлса Мижоз тўловнинг қолган қисмини қарздорлик юзага келган кундан бошлаб уч кун ичida тўлаб бериши лозим.
- 2.4. Мижоз томонидан амалга оширилган тўловлар тенг миқдорда пропорционал тартибда кўрсатилган темир йўл хизматлари (юк ташиш ва қўшимча хизмат учун тўловлар, шу жумладан келишилган (договорной) тариф), жарималар ва устама хақ (пеня) учун тақсимланади.
- 2.5. Мижоз хисобот ойи учун хисоб-фактураларни faktura.uz, www.didox.uz бошқа хужжатларни (лицевой счетлар, переченлар, вагонларни узатиш ва қайта йигишириб олиш ведомостлари (ведомости подачи и уборки вагонов) хар хил йигимлар учун йигма карточкалар (накопительная карточка для дополнительных сборов) ва бошқалар) таянч темир йўл бекатидан ёки ТехПДдан ишончнома асосида олади.
- 2.6. ТехПД орқали қилинган хисоб-китоб натижаларини солишириш лозим бўлган хар бир холатда, лекин хар чорақда бир маротабадан кам бўлмаган холда амалга оширилади ва солиширма далолатнома тузилади.
- 2.7. Натижаларни солишириш учун мижоз ТехПГа хисобланган ва тўланган тўловларни тасдиқловчи хужжатларни (переченлар, лицевой счетлар, хисоб-фактура ва бошқалар) тақдим этади.

3. Томонлар жавобгарлиги

- 3.1. Ушбу келишув талабларини бажариш жараёнида томонларнинг хақ-хуқуклари, моддий жавобгарликлари Узбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий- хуқукий базаси тўғрисида”ги Конуни, Узбекистон Республикаси «Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Конуни, Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Узбекистон Республикаси темир йўл Устави ва бошқа норматив хужжатлар асосида хал этилади.
- 3.2. Белгиланган тўлов суммасини мижоз томонидан ўз вақтида хисоб-китоб қилмасдан ўтказиб юборилганилиги натижасида пайдо бўлган муддати ўтган дебитор қарзнинг хар бир тўланмаган куни учун конунда белгиланганидек 0,4 % хисобида, асосий қарздан 50 % миқдоридан ошмаган холда пеня хисобланади. Пеня хисоблаш Узбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий- хуқукий базаси” тўғрисидаги Конунининг 25-32 моддаларига, хамда Узбекистон

18 000 000 000,0 сму

Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги №ПФ-1154 сонли “Халқ хўжалигида хисоб-китоблар ўз вактида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ амалга оширилади. Дебитор карздорликни бартараф этиш ушбу келишувнинг 2.4. бандига асосан амалга оширилади.

3.3. Мижоз қаттиқ назоратдаги ташиб хужжатларининг йўқолгани ёки бузилгани учун “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда белгиланган тартиб ва миқдорда моддий жабовгар бўлади.

3.4. Томонлар ўзаро Келишувда кўрсатилган барча маълумотларнинг хақиқийлигига ва тўғрилигига жавобгардир.

3.5. Мижоз темир йўлни корхонанинг мақоми, номи, банк реквизитлари ва бошқа ўзгаришлари ёки тугатилиши, қайта ташкил қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ва муддатларида хабардор этиши шарт.

3.6. Мижоз темир йўл томонидан кўрсатилган хизматлар учун амалга ошириладиган якуний хисоб-китобларни корхона тугатилгунича ёки тадбиркорларнинг рухсатномаси ва бошқа хужжатларни амал қилиш муддати тугагунича тўлаши шарт.

3.7. Мижоз хисобидаги қолдиқ пул миқдори унинг “Ўзтемирийўлхисоб” марказига йўллаган хатига кўра қайтарилади. Аризага тегишли ТехПД билан имзоланган солиштирма далолатнома, ТехПДнинг пулни қайtarish тўғрисидаги билдиргиси, ТехПДга ўтказилган сўнгги тўлов топширикнома нусхаси илова қилинади. Қайтариладиган қолдиқ пул миқдори қайси юридик шахс томонидан ТехПДга тўланган бўлса, факатгина шу юридик шахс корхона хисоб-ракамига қайтарилади.

4. Низоларни бартараф қилиш

4.1. Мазкур келишув ижросидан келиб чиқадиган низолар музокара йўли билан халэтилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунчилиги хамда Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставида белгиланган тартибда хал этилади.

4.2. Мазкур келишув ижросидан келиб чиқадиган дъяво аризалари тегишли ТехПДлар жойлашган худуддаги Иқтисодий судларда кўриб чиқилади.

5. Бошқа шартлар

5.1. Ўзаро келишув иккала тараф учун 2 нусхада тузилиб, хар бири teng юридик кучга эгадир.

5.2. Мазкур Келишув 20^{декабрь} йилнинг 31 декабрь кунини хисобга олган холда амал қиласи. Агар тарафлардан бири ёзма равишда келишувни бекор қилиш мақсадида мурожаат этмаса, келишув келаси йилга узайтирилган деб хисобланади. Шу билан бирга бажарилмай қолган мажбуриятлар, қолдиқ пул маблағи, ушбу келишув асосидаги тугалланмаган ўзаро хисоб-китоблар келгуси йилга ўтказилади.

5.3. Келишувни бекор қилиш тарафлардан бирининг ёзма талабига асосан дебитор ва кредиторлик карздорликлари бўламагн холда, бекор қилиниши мўлжалланган муддатдан камида 30 кун аввал иккинчи томонни огохлантириш йўли билан амалга оширилади.

6. Томонлар юридик манзил ва банк маълумотлари

“Мижоз” “Навоийурон” давлат корхонаси	“ТехПД” “Бухоро” ТехПД АЖ “УТЙ”
Навоий вилоят Навоий шахар Инспекторлар Кўчаси 7 уй Банк: ТИФ Уз миллий банк Навоий вилояти филиали Х/Р: 2021 0000 9003 0562 3001 МФО: 00196 ИНН: 201204514 ОКЭД: 07210 КҚС тўловчисининг қайд етиши рақами: 3120 1003 1235	ОКПО: 01060292 ОКЭД: 49200 Банк номи Ког.НБ ВЭД РУзб. Когон. ш. МФО: 00899 ИНН: 201 051 951 х/р: 2021 0000 0006 0031 5002 Манзил 200700 Когон ш. Зебинсо куч. Телефон рақам 8 365 524-48-69, ж/д. 60-207 Bukhara3@mail.ru



Х.Т. Пирназаров



Н.М. Эргашев

17.01.22 г.